

## **“ҚУРМАНБЕК” ЭПОСИДА БОБУР ОБРАЗИ: ТАРИХИЙ АСОС ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН**

**Меҳринса Ибраҳимовна СУЛАЙМАНОВА**

доцент

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Ушбу мақолада қирғиз халқ эпоси “Қурманбек”да Бобурнинг “Бақбурхан” номи билан тенгсиз ботир ва адолатли ҳукмдор сифатида тасвирланиши, унинг Афғонистондаги ҳукмронлиги билан боғлиқ тарихий элементларнинг фольклорда акс этиши каби масалалар баён этилган. Шунингдек, эпосдаги ўзбек этноними ва Бобур қизи (Қанишай) образи бадиий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** эпос, тарихий дoston, ҳукмдор, шох, тарихий элемент, этноним.

## **ОБРАЗ БАБУРА В ЭПОСЕ «КУРМАНБЕК»: ИСТОРИЧЕСКАЯ ОСНОВА И ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ**

**Меҳринса Ибраҳимовна СУЛАЙМАНОВА**

доцент

доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

### **Аннотация**

В данной статье рассматриваются вопросы изображения Бабура в киргизском народном эпосе «Курманбек» под именем «Бакбурхан» как непревзойдённого батыра и справедливого правителя, а также отражение в фольклоре исторических элементов, связанных с его правлением в Афганистане. Кроме того, анализируются художественные интерпретации узбекского этнонима в эпосе и образа дочери Бабура (Канишай).

**Ключевые слова:** эпос, историческая эпос, правитель, шах, исторический элемент, этноним.

Бизга маълумки, адабиёт билан тарих фани гўё бир дарёдан чиққан икки хил оқимга ўхшайди. Тарихда бўлиб ўтган реал воқеалар фактлар, хужжатлар ва манбалар асосида далилли равишда баён этилса, бадиий адабиётда эса ўша воқеалар образлар, бадиий воситалар ва эстетик таъсир орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам тарих ва адабиётни уйғун ва интеграциялашган ҳолда ўрганиш, талқин қилиш кўплаб яширин ҳақиқатларнинг очилишига, ўтмишни чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, қирғиз халқ оғзаки ижоди асарларида ўзбек халқи, уларнинг энг машҳур тарихий шахслари ва Ўзбекистон ҳудудидаги ер-сув номларининг тез-тез учраши жуда муҳим ва диққатга сазовордир. Бу ҳолат қирғиз ва ўзбек халқларининг қадимдан мавжуд бўлган яқин тарихий, маданий ва маънавий алоқаларининг яна бир бор ёрқин тасдиғи сифатида талқин қилиниши мумкин. Шу ўринда қирғиз халқ оғзаки ижоди ва унда акс этган тарихий жиҳатлар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баён этиш ўринлидир.

Дарҳақиқат, қирғиз халқининг халқ оғзаки ижоди шакли, мазмуни, айниқса ҳажми жиҳатдан жуда бой ва улкандир. Улар кўламининг кенглиги, мазмунининг бойлиги билан дунё халқларининг халқ оғзаки ижоди намуналаридан фарқ қилади. Эпосларнинг мазмунига сиғдирилган воқеалар, айниқса, тарихий воқеалар алоҳида ўрин тутаяди. Улар ўша давр ҳаётини ёритиш билан бирга асарга тарихий ҳақиқатлилиқ, миллий руҳ ва этник ўзлиқнинг чуқур ифодасини беради, халқнинг ўтмишини, урф-одатларини, қаҳрамонлик анъаналарини авлодларга етказаяди.

Қирғиз фольклорининг энг муҳим ва машҳур намуналаридан бири – бу “Қурманбек” эпосидир. Қирғиз халқининг “Қурманбек” эпоси – Марказий Осиё, Мўғул хонлиги, қозоқ, нўғай халқлари тарихида “Қалмоқ даври” деб номланган XV–XVIII асрлардаги тарихий воқеага, Қурманбек, Аққан каби тарихий шахсларнинг ҳақиқий таржимаи ҳолига асосланган эпик асар. Достоннинг асосий қаҳрамони Қурманбек ботир тарихий инсон бўлиб, қалмоқ босқинчиларига қарши курашган. Ундаги топонимлар, яъни жой номлари тарихий воқеаларнинг географик излари сифатида хизмат қилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу эпосда Бобур ҳам тилга олинади. Эпосда Бобур исми билан эмас, Бақбур деган ном билан келтирилган. Бобур деган исмнинг Бақбур ҳолатида берилиши қирғиз тилидаги фонетик ҳодиса, яъни мослаштириш жараёни билан боғлиқдир. Бу туркий тилларда чет номларнинг ўзлаштирилишида кенг тарқалган ҳодисадир. Бобурнинг эпосда

тенгсиз ботир, енгилмас ва жасур ҳукмдор сифатида тасвирланиши унинг реал тарихий образига мос келади

“Қурманбек” эпосида Афғонистоннинг хони Бакбур, яъни Бобурга шундай таъриф берилади:

Қирғизча:

*Соодагерден, кербенден,  
Угун-көрүп келгенден,  
Урууда жок кыз уктум,  
Бактылуу баатыр, эрлерден.  
Кабары жүрөк дегдетти,  
Как ошо кызды алам мен.  
Оогандын ханы Бакбурхан  
Опсуз баатыр деп угам.  
Эрдигине ишенип,  
Беттесе беш миң кол кууган,  
Оюмдагы эр экен [2;228].*

Таржимаси:

*Савдогардан, карвондан,  
Эшитган ва билгандан,  
Қабилада йўқ қиз эшитдим,  
Бахтли ботир, эрлардан.  
Ҳабари юракни ховлиқтирди  
Ўша қизни оламан.  
Афгоннинг хони Бобурхон  
Тенгсиз ботир деб эшитдим.  
Шерлигига ишониб,  
Юзлашса, минг қўшинни қувган,  
Ўйимдаги эр экан.*

Юқорида келтирилган мисралардан кўриниб турибди-ки, эпосда ҳам Бобур енгилмас буюк шахс сифатида таърифланмоқда, яъни тенгсиз ботир эканлиги ва душман билан юзлашса, қўшин неча киши бўлишидан қатъи назар, қувиб солган эр эканлиги айтилмоқда.

Бобур асос солган Бобурийлар давлати 1526–1858 йилларда ҳукмронлик қилган. Шунини ҳисобга олсак, “Қурманбек” эпосида ҳам XV–XVIII асрлардаги тарихий воқеалар тасвирланган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Бобур 200–300 навқари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб, Ғазна ва Кобулни эгаллайди. Бобур Кобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Кобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. «Боғи Шаҳроро», «Боғи

Жаҳоноро», «Ўртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгоҳлар ташкил этади. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшайди. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари шу ерда туғилади [3].

Бобурийлар сулоласи асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда империя барпо этишдан аввал, 1504–1525 йилларда Афғонистон (Қобул) ҳудудида ҳукмронлик қилган [4].

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, Бобур ўз даврининг буюк ҳукмдори сифатида кўп жойларда донг таратган шу жумладан, бутун Марказий Осиё давлатларида ҳам обрў-эътиборга сазовор бўлган. Бундай тарихий жараён, тарихий шахс ўша даврдаги қирғиз халқига ва унинг оғзаки ижодига ҳам таъсир этган.

Эпосда Бакбурнинг Афғоннинг (Ооган) хони деб эътироф этилиши, ўша пайтдаги тарихий воқеа билан боғлашга асос бор. Юқоридаги тарихий фактга юзланадиган бўлсак, ростдан ҳам шу даврда Бобур Афғонистонни ишғол этиб, у ерни ўз юртидай ободонлаштиради ва кейинги йигирма йилдан ортиқ вақт давомида у ерда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди.

Бобур ҳақида инглиз олими Уильям Эрскин шундай деган: «Саҳовати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди» [5]. Бу каби таъриф эпосда ҳам келтирилган:

Қирғизча:

*Оолуктурбай баланы  
Тыйбайсыңбы, койгун деп.  
Ойдогусун кылгандай  
Ооганда жок биздин кек...  
Бир айчылык жол болот,  
Тил алсын балам, кор болот...*

Таржимаси:

*Ховлиқтирмай болани,  
Босмайсанми, қўйгин деб.  
Ўйдагисини қилгудек  
Афғонда йўқ бизнинг кек...  
Бир ойчалик йўл бўлар,  
Тил олсин болам, хор бўлар...*

*Оогандын ханы Бакбурхан,  
Анын арбагы көптү жапырган.  
Жыгылган жок эмгиче  
Жер жүзүндө баатырдан.  
Туу жайылтып, кол келсе,  
Жеке эле жалгыз качырган [2;229].*

*Афгоннинг хони Бақбурхон,  
Ҳайбати кўпни қочирган.  
Йиқилган йўқ халигача  
Ер юзида ботирдан.  
Туз кўтариб, қўшин келса,  
Ёлғиз ўзи қочирган.*

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий»да Бобур ҳақида шундай дейди: «...У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди...» [6]. Бу фазилати эпосда ҳам чиройли талқин этилган:

Қирғизча:

*Кокусунан жыгылсам,  
Качырып кирип барбаңар.  
Кастык кылбай балага,  
Казкара качса кармаңар.  
Сайышамын армансыз,  
Жалгыз бала, жалгыз мен.  
Жолобогун эч бирөөң,  
Тилек менен туш келген,  
Бала да босо багы бар  
Бактысына ишенген [2;237].*

Таржимаси:

*Қўқисдан йиқилсам,  
Қочириб уни борманглар.  
Қасд қилмай болага,  
Казкара от қочса, ушланглар.  
Урушаман армонсиз,  
Ёлғиз бола, ёлғиз мен.  
Олдимга келма ҳеч биринг,  
Ният билан дуч келган,  
Бола бўлса ҳам бахти бор,  
Омадига ишонган.*

Бу мисралар Қурманбек Бақбурхон билан куч синашиб, урушиб уни енгиш орқали қизига эришаман деб Бобурнинг олдига боргандаги эпизоддан олинган. Мисралардаги асосий ғоя – ҳақиқий ботирлик ва адолат, яъни жангда қасдкорлик, хиёнат ёки кўпчилик билан хужум қилиш эмас, балки очик, ҳалол ва якка кураш лозим. “Ёлғиз бола, ёлғиз мен” – ёш Қурманбекнинг ўзига ишончи ва қўрқмаслигини, “бола бўлса ҳам бахти бор, омадига ишонган” тақдирга, адолатга ва ўз кучига суянишини ифодалайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий шахсияти билан бу тасвир жуда мос келади: “Бобурнома”да ўзини адолатли, жасур ва ботирларча

курашувчи саркарда сифатида тасвирлайди. У ўз жанглирида кўпинча яккама-якка кураш кадрили билган, рақибларини хурмат қилган. Эпосдаги бу эпизод орқали халқ оғзаки ижоди Бобурни идеал ҳукмдор ва баҳодир сифатида улуғлаган. Ушбу мисралар нафақат эпик қаҳрамонликни, балки инсоннинг ички кучи, адолат ва омадга ишониш каби абадий қадриятларни ҳам акс эттиради.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, эпосда “ўзбек” деган этнонимни учратиш мумкин. Бу этноним ҳам Бобур атрофидаги воқеаларда тилга олинган:

Қирғизча:

*Азыркы күндө Курманбек  
Жыйырма төрттө жаш болсо,  
Он төртүнөн бер жакка,  
Эр сайышка маш болсо,  
Кыргыз менен кыпчакка  
Кызматы менен баш болсо,  
Өзбек калкы кадырлап,  
Өзүнүн элин көбүнүн,  
Каргадай бала кезинен,  
Кармашарга жоо күтүп,  
Кандай баатыр болсо да  
Алып жүрсө кан бүркүп [2;239].*

Таржимаси:

*Ҳозирги кунда Курманбек  
Йигирма тўрт ёш бўлса,  
Ўн тўрт ёшидан бери,  
Эр жангига ас бўлса,  
Қирғиз билан қипчоққа  
Хизмати билан бош бўлса,  
Ўзбек халқи қадрлаб,  
Ўз элини кўпининг,  
Ёш бола кезидан,  
Урушарга ёв кутиб,  
Қандай ботир бўлса ҳам  
Олиб юрса хон тутиб.*

Келтирилган мисол Курманбекнинг Бақбурхонни енгиб, унга қизини бермоқчи бўлиб, сарой мулозимларига маслаҳат солган пайтдаги эпизодидан олинган.

Эпосда Курманбек Бақбурнинг қизининг гўзаллигини ва отасининг жасур ва мард эканлигини эшитиб, Қанишай (қирғизларда хонлар зотидан бўлган аёлларни Қанишай деб аташган. Бобурнинг қизи ҳам хонлар зотидан бўлганлиги боис шундай аталган бўлиши эҳтимол) га уйланиш мақсадида йўлга отланади.

Тарихий манбаларда Гулбаданбегим отаси Бобур подшоҳнинг фармониға кўра, катта онаси, яъни Ҳумоюн Мирзонинг онаси – Моҳим бегим кўлида тарбияланади. Моҳим бегим Бобур подшоҳнинг энг севиқли катта хотини, хукмдорнинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдони эди [7]. Шундай оқила ва билимдон аёлдан тарбия олган Гулбаданбегим ҳам тарбияли, ақл-фаросатли бўлиб вояға етади. Шунинг учун ҳам унинг бутун гўзаллиги дунёға машҳур бўлади. Эпосда Қанишайға шундай таъриф берилади:

Қирғизча:

*Бакбурдун жалғыз бир қызы,*

*Адамзаттын жылдызы.*

*Жоругун айтып көргөндөр,*

*Жоруй келсе нур қызы.*

*Күмүштөн аппак Канышай,*

*Кийгени жибек қырмызы [2;228].*

Таржимаси:

*Бақбурнинг ёлғиз бир қизи,*

*Инсоният юлдузи.*

*Таърифин айтиб кўрганлар,*

*Айтади нурнинг қизи.*

*Кумушдан оппоқ Қанишай,*

*Кийгани ипак қирмизи.*

Ҳақиқатдан ҳам, Бобурнинг қизи Гулбаданбегим Афғонистонда туғилиб, вояға етади. Бу ҳолат эпосда келтирилган маълумотларға мос келганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, Афғонистонда вояға етган Гулбаданбегимнинг гўзаллиги ва Бобурнинг донги бутун дунёға тарқалганлигини қирғиз дostonларида тилға олиншидан ҳам кўриш мумкин. Бу эса “Қурманбек” эпосининг тарихий эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Гулбаданбегимнинг гўзаллиги ва тарбияси ҳақидаги ривоятлар минтақа фольклорига кириб боргани табиий, чунки Бобур давлатининг нуфузи Ўрта Осиё ва Афғонистондан Ҳиндистонгача етган. Эпосда унинг “инсоният юлдузи”, “нур қизи” сифатида тасвирланиши унинг тарихий шахсиятининг идеаллаштирилган кўринишидир. Бу образ Гулбаданбегимнинг ҳақиқий ҳаётидаги фазилатлари – юқори даражадаги тарбияси, билимдонлиги, шеърятға қизиқиши ва “Ҳумоюннома” каби тарихий асар ёзиш қобилиятидан келиб чиққан бўлиб, халқ оғзаки ижодида умуминсоний идеаллар рамзига айланган.

Қадимдан барча туркий халқлар ҳозиргидек географик жихатдан чегараланмаганлиги сабабли, улар бир-бирлари билан ўзаро яхши алоқада, куда-анда, борди-келди муносабатида бўлган. Эпосда Қурманбек Бобурнинг кизи Қанишайни ўзига ёр қилиш мақсадида Урганч сувини кечиб ўтганлиги айтилади.

Қирғизча:

*Эрдигине чыдабай,  
Үргөнчтүн суусун ким кечсе,  
Аттанып чыксын Бакбур, – деп,  
Арачы коюп дүрбөтсө,  
Аянышпай сайышып,  
Аңтара салып ким кетсе,  
Как ошондон жыгылсам,  
Канышайды берем, - деп  
Кандай күчтүү эр кечет,  
Үргөнчтүн суусу терең, – деп,  
Үйүндө Бакбур айтыптыр  
Бала баатыр келер деп.  
Үргөнчтүн суусун кечейин,  
Бир тилекке жетейин.  
Оогандын ханы Бакбурга  
Бир беттешип өтөйүн [2;228].*

Таржимаси:  
*Эрлигига чидамай,  
Урганчнинг сувин ким кечса,  
Отланиб чиқсин Бақбур, – деб,  
Элчи қўйиб қўзгатса,  
Аямасдан жанг қилиб,  
Ағдариб солиб ким кетса,  
Айни ўшадан йиқилсам,  
Қанишайни бераман, – деб  
Қандай кучли эр кечар,  
Урганчнинг суви теран, – деб,  
Уйида Бақбур айтибди  
Бола ботир келар деб.  
Урганчнинг сувин кечайин,  
Бир мақсадга етайин.  
Афгоннинг хони Бақбурга  
Бир юзлашиб ўтайин.*

Урганч Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Урганч сувнинг номи эмас, балки Урганчдаги Амударё каналининг номи бўлиши эҳтимодан ҳоли эмас. Эпосда Урганч суви деган ифода Амударёнинг бадий номи сифатида талқин қилинади. Бу ҳолатни эпосларда дарёлар кўпинча шаҳар номи билан аталган бўлиши мумкин деган хулоса билан тушинтирилади.

Урганч – Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти маркази, Амударё ва Шовот канали бўйида жойлашган тарихий ва замонавий шаҳар. Асоси XVII асрда

янги масканда кўйилган, қадимий Кўхна Урганч шаҳридан кўчиб келганлар томонидан шакллантирилган [8].

Юқорида Урганч ҳақида келтирилган маълумотлар айнан “Қурманбек” эпосининг пайдо бўлиш даврига мос келганлигини кўришимиз мумкин. “Урганч суви” ифодаси орқали эпос Амударёнинг улкан оқимини бадиий тасвирлайди, бу эса туркий дунёнинг бир бутунлиги ва узвий боғлиқлигини яна бир бор исботлайди.

Умуман олганда, “Қурманбек” эпосида Бобур ва унинг қизига оид элементларнинг, ҳозирги ер-сув номларининг айнан мавжудлиги эпоснинг тарихий асослилигини янада кучайтиради. Бу қирғиз фольклорининг ўзга халқлар тарихи билан боғлиқлигини кўрсатади ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий алмашинувнинг ёрқин намунасидир. Эпос нафақат қирғизларнинг қалмоқ босқинларига қарши курашини, балки минтақа тарихининг умумий манзарасини акс эттириб, авлодларга миллий руҳ ва тарихий хотирани етказди. Бу каби элементлар эпоснинг қатламли табиатини ва унинг фольклордан тарихий манбага айланишини таъкидлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, қирғиз эпосларидан бири бўлган “Қурманбек”даги Бақбурхон образи тарихий шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобур тимсолининг қирғиз халқ оғзаки ижодида бадиий қайта ишланган шакли сифатида талқин қилинган. Чунки у ўша даврнинг энг машҳур Марказий Осиёлик ҳукмдори, шоир ва жангчи сифатида халқ хотирасида муҳрланиб қолган. Халқ ижодида тарихий шахс кўпинча идеаллаштирилади ёки аксинча, рақиб сифатида “мағлуб қилинади” – бу ҳолда Бақбурхоннинг Курманбек томонидан енгилиши қирғиз ботирлик ғурурини кучайтирувчи мотив сифатида талқин қилинади. Албатта, бу тўғридан-тўғри ҳужжатли далилга эмас, балки фольклордаги типик бадиий қайта ишлаш, яъни трансформация мисоли сифатида қаралиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобурнома. – Ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилганлар: Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллахўжаева. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 440 б.
2. Кыргыз адабиятынын антологиясы: 2-том. Кенже эпостор. /Түзгөн: Т.Н.Абылкасымова, М.Э. Ибраев. – Б.: «Кыргыз энциклопедиясы» башкы редакциясы. 2012. – 680 б.
3. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/bobur/>
4. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Boburiylar\\_davlati](https://uz.wikipedia.org/wiki/Boburiylar_davlati)
5. <https://islom.uz/maqola/20228>
6. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/sarkarda/zahiriddin-muhammad-bobur-1483-1530/>
7. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/temuriy-malikalar/gulbadan-begim/>
8. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Urganch>